*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2009 йил 3 феврал • сешанба • № 5 (622) • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru • www.minjust.uz

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



## Экинзорларни пайҳон қилманг!

# Исроф эмас, инсоф сари



**ЕРГА қадалган битта уруғ ҳам ризқ. У халқ ризқи, кўпнинг ризқи. «Ноннинг ушоғи ҳам нон», деб қадрлайдиган, ерга тушса олиб кўзга суртадиган доно халқимиз учун ҳам бир уруғ, у ниманинг уруғи бўлишидан қатъи назар, қадрлидир. Уруғни ундириш, қўриқлаш, парваришлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Зеро, ерга қадалган ҳар бир уруғ эртанги кунимиз фаровонлигининг кафолатидир.**

ХИЗМАТ юзасидан юртимизнинг турли жойларида, хусусан, қишлоқлар, тоғли, чўл ҳудудларида сафарларда бўламиз. Қиш фаслида ҳам кўм-кўк униб турган буғдойзорларни кўриб баҳри дилингиз очилади. Лекин... бошқа бир ноxуш манзаралар — дилни хуфтон қиладиган ҳолатларга ҳам кўзингиз тушади. Беихтиёр эзгу қадриятларни ўйлаб афсусланасиз. Экинзорларда назоратсиз ўтлаб юрган қўй-қўзилар, паррандалар, чорва молларини кўриб қолсангиз, бош чайқайсиз. Экинзорлар узра пиёдалаб ўтган, автоуловини, тракторини нақ экинзордан ҳайдаб ўтаётган ҳайдовчи кишида ҳақли эътироз уйғотади.

Наҳотки, эл ризқини оёқ ости қилиш увол эканлигини бундай кишилар тушунмаса...

Айниқса, ўсиб турган тут дарахтларини кесиб, ўтин ўрнида ишлатаётган ҳамюртларимизни кўрганда ўз кўзингга ишонмай қоласан киши. Саноат учун ўта муҳим хомашё захирасини тайёрлашда асқотадиган, мусаффо ҳавони таъминлайдиган, меваси турли касалликларга шифо бўладиган бундай дарахтларни кесишга кимнинг ҳаққи бор?

2 →



## Жиноят қонунчилиги

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА “Халқаро ҳуқуқ нормаларининг жиноят қонунчилигида акс этиши” мавзуида учрашув-мулоқот ўтказилди. Унда ТДЮИ “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди Умид Ҳаликулов халқаро ҳуқуқ нормаларининг жиноят қонунчилигига татбиқ этилишидаги ўзига хосликлар, юридик атамалар мазмуни, қўлланилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, бирор норманинг қонунда акс этиши учун бошқа қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратининг пайдо бўлиши каби жараёнлар ҳақида батафсил сўз юритди.**

Қонунларнинг тўлақонли амал қилиши жиноятларнинг тўғри малакаланишини ҳам тақозо этади. Айтайлик, содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бир пайтнинг ўзида ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳам жиноят сирасига кирмайди.

Бунда тўғри хулосага келиш учун эса ваколатли шахс юқори билим ва тажрибага, юксак маънавиятга эга бўлиши лозим. Зеро, мукаммал қонуннинг адолатлилиги, қонунни қўллайдиган шахснинг унга тўғри амал қилиши билан ҳам намоён бўлади.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## ҚФЙда йиғин

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Пахтачи туманидаги “Хумор” ҚФЙда туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ бўлими ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.**

УНДА сўзга чиққанлар Президентимизнинг республика Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган **“Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз”** деб номланган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва бу вазифаларнинг ижроси ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У.Аҳадов, Пахтачи тумани ФҲДЁ бўлими бошлиғи Ф.Валихўжаева, “Нуроний” жамғармасининг туман бўлими бошлиғи И.Санаевлар чиқишларида эса мамлакатимизда халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишлар ва бу жараёнда ҳар бир ватандошимиз фаол бўлиши лозимлиги таъкидланди.

**Азим ҚОДИРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## Аёл билан олам мунаввар

**АЙНИ ПАЙТДА аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Негаки, миллат келажаги саналмиш ҳар қандай комил инсонни она тарбиялаб вояга етказади. Қолаверса, оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ.**

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган **“Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони шу сиёсатнинг ёрқин намунасидир.

Данғара туманидаги “Ғалаба” қишлоқ фуқаролар йиғинида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ФҲДЁ бўлими ва “Камолот” ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Зуҳрахон ЭРМАТОВА,**
**Данғара тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

## Навбатдаги ўқув-машғулот

**ЖОНДОР ТУМАНИ ФҲДЁ бўлими ҳузуридаги “Оила дорилфунуни”нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ФҲДЁ бўлими ҳамда марказий касалхонанинг “Келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш” маркази вакиллари, шунингдек, никоҳ тузиш учун ариза берган 40 нафар ёш келин-куёв иштирок этди.**

Сўзга чиққанлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорига асосан қабул қилинган **“Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”**ги Низом ва унга кўра, тиббий кўрикдан ўтиш шартлиги, кўрик 5 та касаллик: наркологик, захм, сил, ОИТС, руҳий касаллик (анамнестик, психопатологик, семотоневрологик, параклиник)лар бўйича текширилиши, агарда томонлардан бирида касаллик мавжудлиги аниқланса, тиббий Низом бўйича унинг даволаниши тушунтирилиши ва у даволаниб бўлгач, никоҳи қайд этилиши хусусида гапирдилар.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Ҳуқуқий тарғибот самараси

**ЖАМИЯТДА ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этиш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан биридир. Шу маънода Фарғона вилояти адлия бошқармаси ва унинг жойлардаги идоралари томонидан ҳам кундалик ҳаётимизда вужудга келаётган муаммолар, янги қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар юзасидан ҳуқуқий тарғибот ўтказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

4 →

## Пул ундирилди, чора кўрилди

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг “Ишонч телефони”га қилинаётган мурожаатларнинг қаноатлантирилаётганлиги фуқароларда ишонч уйғотмоқда. Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий масалаларда тегишли тушунтиришлар берилаётганлиги ҳам ижобий натижа бермоқда.**

ЯҚИНДа ана шундай мурожаатлардан яна бири ижобий ҳал этилди. Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 48-уй, 3-хонадонда яшовчи Ихтиёр Туробовнинг шикояти ўрганиб чиқилганда ушбу фуқарога Давлат акциядорлик тижорат “Асакабанк”и Навоий филиали томонидан ўз омонати суммаси нақд пул шаклида берилмаётганлиги аниқланди. Вилоят адлия бошқармаси аралашуви билан фуқаро И.Туробовга 3 038 900 сўм нақд пул олиб берилди. Банк бошқарувчиси ўринбосари А.Ниёзовага хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирув киритилди.

**Маҳлиё ТУРДИЕВА,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими**




**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида**

## “АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА”

***кўрик-танлови ўтказилади.***

ТАНЛОВГА иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2009 йилнинг 1 февралидан 1 декабригача бўлган даврда газета, журнал, интернет-нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган аудиокассеталар қабул қилинади.

**Тақдим қилинган материаллар қуйидаги мезонларга кўра танланади:**

- ёритилаётган масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиш даражаси ва унинг мазмуни;
- материалнинг мавзуга доир ва тушунарли берилиши;
- материалнинг жозибадор ва ўзига хос бўлиши;
- материалларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар аҳамиятининг кенгроқ очилиши;
- “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йили муносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳамияти;
- тизим таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси;
- қонун ҳужжатларини тарғиб этиш, кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

**Кўрик-танлов ғолиблари қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланади:**

- “Энг яхши телелавҳа”;
- “Энг яхши радиоэшиттириш”;
- “Энг яхши мақола”;
- “Энг яхши интернет материали”;
- “Энг яхши видеоролик”.

**Ғолибларни ушбу совринлар кутмоқда:**

- 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор;
- 3 та иккинчи ўрин учун диктафон;
- 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон;
- 1 та энг яхши интернет материали учун фотоаппарат;
- 1 та энг яхши видеоролик учун рангли телевизор.

**Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.**

**Танловда иштирок этиш учун материаллар 2009 йилнинг 1 декабригача қабул қилинади.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (998-71) 233-39-84, Факс: (998-71) 233-39-84**
**E-mail: press@miniust.gov.uz**

# МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

## Дастлабки терговга юборилди

**М.АТАМИРЗАЕВНИНГ Андижон тумани “Куйганёр” даҳасида яшовчи В.Султонов хатти-ҳаракатларидан норозилик ифодаланган мурожаати ҳолатдан хабардор шахслардан тушунтириш хатлари олиш, мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўрганилди.**

АНИҚЛАНИШИЧА, В.Султонов ва бошқалар автомашина олди-сотди фаолияти билан шуғулланиш жараёнида М.Атамирзаев ҳамда Ш.Мавлоноваларни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, улар манфаатига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Тўпланган материаллардан келиб чиқиб, фуқаро В.Султонов ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун Андижон тумани прокурорига юборилди.

**Б.ДЕҲҚОНОВ,**
**Андижон вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси**

## Жавобгарликка тортилди




**БУЛУНҒУР ТУМАНИ прокуратураси томонидан “Чевар” жамоа корхонаси раҳбари Р.Султонованинг фуқаро Э.Сафаровнинг корхонага қарашли ер майдонида ноқонуний қурилиш қурганлиги ҳақидаги аризаси текширилиб, Э.Сафаровга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, мазмунан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Булунғур тумани судига юборилган.**

Суднинг 2008 йил 20 декабрдаги қарори билан Э.Сафаров маъмурий жавобгарликка тортилди.

**У.РАЖАБОВ,**
**Булунғур тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

# Экин — дон, дон бу — нон, нон эса эл-юрт фаровон, тўкин дастурхон дегани!

**РЕСПУБЛИКА Адлия вазирлигининг Тадбирлар дастурига мувофиқ Урганч шаҳрида ўтказилган амалий анжуман Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтган йил 10 декабрда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалик экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 272-сонли қарор ижросини таъминлашга бағишланди.**

АНЖУМАНДА қайд этилганидек, халқимиз ризқ-рўзини асраш, турмуш тўкинлигини таъминлаш соҳасида кўзда тутилган марралар чинакам фидойи меҳнат, амалий саъй-ҳаракатлар натижасида қўлга киритилади. Шу билан бирга ризқ-насибамиз манбаи — ғалла майсаларини турли кўринишдаги пайҳонгарчилик ва нобудгарчиликлардан асраб қолишда ҳуқуқий ва профилактик таъсир чоралари, кундалик тарғибот-ташвиқотнинг ўрни ва аҳамияти катта. Юртдошларимиз ушбу тадбирлар асносида доннинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий турмушидаги салмоқли стратегик ўрни ва ролини янада чуқур англамоқлари даркор. Масаланинг ушбу долзарб жиҳатини дилдан ҳис этган киши шубҳасиз экинларни пайҳон ва нобуд қилишга қарши курашнинг фаол иштирокчисига айланади.

Анжуманда сўзга чиққан Адлия вазири ўринбосари С.Холбоев, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Х.Йўлдошев ва бошқа нотиқлар йиғилганлар эътиборини шу соҳадаги долзарб вазифаларга қаратдилар ва уни рўёбга чиқаришнинг қатор амалий чора-тадбирларини таклиф этдилар.

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишига қарши курашишни ташкил этиш ва кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини назарда тутувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.**

ҚИШЛОҚ хўжалиги экинзорлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари самарадорлигини ошириш учун Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси, ички ишлар бошқармаси, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, "Маҳалла" жамғармасининг қўшма буйруғи қабул қилиниб, унга асосан вилоятнинг ҳар бир туманида экинзорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан ҳар бир маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш учун Ишчи гуруҳлари таркиби ва вилоят идоралараро ишчи гуруҳи ходимларини ҳудудларга бириктириш ҳақидаги жадвали тузилиб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги **"Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорининг мазмун-моҳиятини аҳолига кўргазмали қуроллар орқали етказишни амалга ошириш учун плакатлар ва буклетлар тайёрланди.

Шу кунларда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиниб, маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида уларнинг фаоллари, посбонлари ва фуқаролар иштирокида 100 дан ортиқ учрашув, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилмоқда.

## Исроф эмас, инсоф сари

**(Давоми. Боши биринчи бетда.)**

Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилиниши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 йил 10 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг **"Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинган эди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ҳамда Адлия вазирлиги зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Жумладан, Адлия вазирлигига, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Маҳалла хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларини жалб этган ҳолда экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилинганлиги учун жавобгарлик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш юклатилган. Айни пайтда мазкур Қарор ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини ташкил қилиш бўйича тузилган Республика идоралараро ишчи гуруҳи ва унинг ҳудудлардаги таркиби кенг фаолият юритмоқда. Шу мақсадда Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан тасдиқланган қўшма буйруққа биноан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ҳокимият вакиллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбонлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида учрашувлар, суҳбатлар ўтказишга қаратилган махсус жадвал ишлаб чиқилган. Ушбу жадвал асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоятлардаги адлия бошқармалари масъуллигида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида кўплаб тадбирлар ташкил этиляпти. Жумладан, яқинда Адлия вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Маҳалла хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, "Маҳалла" жамғармасининг барча туман, шаҳар бўлими раислари, ҚФЙ раислари, маҳаллалар оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари, посбонлар ва ОАВ ходимлари қатнашдилар. Кенг халқ оммасига экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишларида нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида батафсил сўз юритилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи органлар томонидан экинларни пайҳон қилишга қарши қаратилган плакатлар ва буклетлар тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори 7-банди ижроси бўйича олиб борилган тарғибот ишлари, чора-тадбирлар хусусида барча масъул идоралар Адлия вазирлигига мунтазам равишда маълумот тақдим этишлари қўшма буйруқда белгилаб қўйилган ва бу тўла бажариб келиняпти. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги томонидан олинган маълумотга кўра, ғалла экинзорларини пайҳон қилиш билан боғлиқ 1600 дан ортиқ ҳолат аниқланган. Ғалла майдонларини пайҳон қилганлиги учун судлар томонидан 843 нафар фуқарога нисбатан МЖтКнинг 104-моддасига асосан жами 13.057.932 сўм миқдорида жарима жазоси қўлланилган.

Олиб борилаётган тарғибот тадбирларида экинзорларни пайҳон қилишнинг моддий ва маънавий оқибатларини тушунтириш билан бирга бундай нохуш ҳолатлар содир этилишига сабабчи бўлган шахслар жазо муқаррарлигини англаб етишлари лозимлигига ҳам эътибор қаратилётир. Халқимизда инсоф сари барака, деган нақл бор. Бу нақл одамларни бир-бирига нисбатан инсофли бўлишга ундайди. Она табиат неъматларию униб турган экинларга ҳам инсоф назари билан қаралса, бу инъомлар янада баракали бўлишига шубҳа йўқ. Эл ризқи рўзи манбаи бўлган экинзорларни пайҳон қилмаслик, уволдан сақланиш азалий қадриятларимизга хос ибратли удум эканини унутиб бўлмайди.

Бинобарин, Бош қомусимизнинг 5-моддасида **"Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар"** деб ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз сифатида белгилаб қўйилган.



**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Республика Маънавият тарғибот марказининг Сирдарё вилояти бўлимида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

УНДА вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фермерлар иштирок этдилар.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдували Абдуллаев ҳозиргача вилоятда экинларни пайҳон қилиш ҳоллари 200 тани ташкил этганлиги ва бу ҳолат айбдорларига нисбатан қатъий чоралар кўрилганлигини маълум қилди.

Республика Адлия вазирлиги масъул ходими Фахриддин Қўлдошев қарор мазмун-моҳияти ҳақида йиғилганларга батафсил сўзлаб бериш баробарида, унинг талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш лозимлиги ҳақида тавсиялар берди.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи**

### Тақдимот

## Танлов доираси кенгаяди

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Адлия идоралари ОАВ нигоҳида" номли республика кўрик-танлови ўтказиш юзасидан тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

МАЗКУР танлов 2008 йилнинг май ойидан Адлия вазирининг буйруғига асосан жорий этилган бўлиб, асосий мақсад республика қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида сифатли ва мазмундор ёритишга эришишдан иборатдир.

Ўтган йилги Низомга асосан, ғолиблар тўрт йўналиш бўйича тақдирланган бўлса, жорий йилда у яна биттага кўпайди — **"Энг яхши видеоролик"** номинацияси қўшилди.

2009 йилда кўрик-танлов Низомига муҳим ўзгартишлар киритилди. Хусусан, эълон қилинган материаллар **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"** муносабати билан амалдаги айрим қонунларимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан ёритилганлигига эътибор берилади.

Шунингдек, бу йилги кўрик-танловда рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам жорий этилди.

Матбуот анжумани давомида журналистларга бу борада батафсил ахборот берилди ва йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга ташкилотчилар томонидан жавоблар олишди.

Таъкидландики, ОАВ билан ҳамкорликни янада кучайтириш журналистлар томонидан тизим фаолияти билан боғлиқ тайёрланаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлигини оширишга, шу билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Анжуман сўнгида 2009 йилнинг февраль ойи давомида барча ҳудудий адлия бошқармалари томонидан журналистлар иштирокида ўтказиладиган матбуот анжуманлари давомида мазкур кўрик-танловни эълон қилишга ва бу билан танловга жойлардаги журналистларни ҳам кўпроқ жалб этишга келишиб олинди.

**Азизхон НОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими**



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Ислоҳотлар моҳияти

### устувор йўналишдан кўзланган мақсадлар

**СУД-ҲУҚУҚ ислоҳотлари борасида, қабул қилинаётган ҳар бир янги қонун ёхуд унга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини тўғри англаш йўли билангина уларни қўллаш ва амалиётга самарали татбиқ қилиш мумкин. Бу борада тегишли соҳа ходимларининг касбий-малакавий тайёргарлиги муҳим ўрин тутади.**



СУДЬЯЛИК лавозимига илк бор тайинланиш учун захирага олинган номзодларни қайта тайёрлаш вазифаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига юклатилган бўлиб, бу даргоҳда ҳар йили 300 дан ортиқ судьялик лавозимига илк бор тайинланиш учун захирага олинган номзодлар ўқитилмоқда.

Марказдаги ўқув дастурларига асосан машғулотлар давомида тингловчиларда нафақат назарий, балки амалий кўникма ва билимларни ҳосил қилиш устувор вазифалардан бирига айланган. Ушбу гуруҳлар ҳамда марказ профессор-ўқитувчилари иштирокида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасида демократик институтларнинг ривожланиши" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



Учрашувдаги мунозараларда юртимизда замонавий демократик давлат ва жамият қуриш бўйича Конституциямизда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистонни ҳар томонлама кучли, тараққий этган давлатга айлантириш, унинг буюк келажагини таъминлашга қаратилган миллий моделида ҳуқуқий-демократик асосдаги давлат ва жамият қурилиши масалаларини ечишда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни алоҳида эътироф этилди.

Сўзга чиққанлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Б.Дадабоев, "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Х.Маматов ва бошқа партия фракциялари аъзолари кучли давлат тизимида суд ҳокимиятининг ўрни юксалиб бораётганлиги, ижтимоий таркибни мустаҳкамлаш ва таъминлашда, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда демократик институтларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидладилар.

**Гуличеҳра АБДУЛЛАЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

### Адлия ёрдам берди

## Ваъдаси боғда... ўзи доғда қолди

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ходимлари томонидан вилоятнинг 70 та хўжалик юритувчи субъектида ўтган йилнинг 9 ойи давомидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлиги ўрганилганда 93.052 та шартномада 2.644 та ҳолатда тузилиши бўйича, 854 та ҳолатда бажарилиши бўйича қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланганди.**

УШБУ ҳолатлар бўйича судларга 854 та (986.972.469 сўмлик) даъво аризалари ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 102 та тақдимнома киритилиб, 799 та 1.010.573.177 сўмлик қисми судлар томонидан қаноатлантирилди.

Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатаётган "Гулистон нурли истиқболи" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидан 130 000 сўм, "Онорхон баракаси" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидан 150 000 сўм, "Гулистон само нури" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидан 495 550 сўм маблағни тўлов топшириқномасисиз бошқа ҳисоб рақамига ўтказиб юборганлигидан норози бўлиб ёзилган аризалар ўрганиб чиқилганда аризадаги важлар ўз тасдиғини топди. АТ "Пахтабанк" Шаҳрихон тумани бўлими бошқарувчиси О.Тўхтасинов ва банкнинг 1-тоифали мутахассиси З.Ҳасановларга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, Шаҳрихон тумани солиқ инспекциясига таклиф киритилди. Туман ДСИ томонидан банк бошқарувчиси ва кредит бўлими 1-тоифали мутахассисига нисбатан МЖтКнинг 175- моддаси, 3-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, тақдимнома асосида ноқонуний жалб қилинган маблағлар фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларига тўлиқ қайтарилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича 4 та ҳолатда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан вилоят прокуратурасига таклифлар киритилди.

Жумладан, Олтинкўл туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш жараёнида собиқ ширкат хўжалигида бошқарув раиси муовини вазифасида ишлаган Х.Ибрагимов ва бошқалар бир гуруҳ бўлиб, қонунга зид равишда боғ ташкил этиш учун ер ажратиб бериш шарти билан фуқаро З.Исмоиловани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 2.350.000 сўм маблағни қўлга киритганлиги юзасидан вилоят прокуратурасига тегишли таклиф киритилган. Таклиф асосида Олтинкўл тумани прокуратураси томонидан 2008 йил 7 апрелда Х.Ибрагимов ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 2-қисми, "б" банди билан жиноят иши қўзғатилган.



Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 102 та тақдимнома киритилиб, уларга асосан 1.415.857.412 сўм маблағ тадбиркорларга ундириб берилди. Бундай ҳолатларга йўл қўйган шахсларнинг 55 нафарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Шундан 10 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

**Шухратбек МУСАЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

// Табиат ва инсон

# Экологик маданият

## келажакка эътибор қай даражада эканлигини англатади

**ХАЛҚАРО шартномаларни тан олиш ва уларга риоя этиш мамлакатимизнинг ривожи ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтирувчи омил бўлиб хизмат қилади ҳамда давлатимизнинг ўз олдига қўйган буюк мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида энг муҳим асос вазифасини ўтайди.**



ШУНДАЙ ЭКАН, қонун мукаммаллигига эришишда умумэътироф этилган ҳуқуқий тамойилларга таяниш лозим. Экология соҳасидаги халқаро шартномалар ва уларнинг миллий қонунчиликка сингдирилиши мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва стандартларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва уларни бажариши лозимлигини англатади. Экология соҳасидаги миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у экология соҳасидаги халқаро ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши керак. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принципи асосида амалга оширилади.

Шу ўринда Халқаро экологик ҳуқуқий принципларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтсак:

*Экологик ахборот алмашинуви эркинлиги принципи* халқаро ҳамкорлик қатнашчиларидан ўз миллий чегараларида юз бераётган атроф табиий муҳитнинг салбий ўзгаришлари ҳақида ахборот бериб боришни назарда тутади. Чунки экологик жараёнлар маъмурий чегарани «тан олмайди» ва улар қўшни мамлакатнинг экологик хавфсизлик даражасига салбий таъсир этиши мумкинлигини эътироф этади. Ўз пайтида ва тезкор олинган ахборот экологик хавфнинг олдини олиш ва уни биргаликда ёки халқаро ҳамжамият ёрдамида бартараф қилиш имконини беради.

*Экологик инқирозли ҳолатда давлатларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш принципи* ва оқибатда ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар тоифасига киради. Марказий Осиёда вужудга келган Орол муаммосини ҳал қилишда 100 дан зиёд давлат ёки нодавлат ташкилотларнинг иштирок этиши ушбу принцип амалда қўлланилаётганидан дарак.

*Ҳуқуқий-экологик низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш принципи* халқаро ҳуқуқ субъектлари орасида ушбу низолар орқали атроф табиий муҳитга янада кўпроқ зарар етказувчи «совуқ уруш»ларнинг ёки ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олишга қаратилгандир. Замон талаби ҳар қандай салбий жараёнларни дипломатик воситалар орқали ҳал қилиш ва давлатларнинг бутун кучини урушларга эмас, балки инсонларга хавф солаётган экологик инқирозларга сарф қилишларига даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятининг мустақил субъекти сифатида бир қанча экологик Конвенцияларга қўшилганлигини ҳам айтиб ўтиш



лозим, жумладан, булар 1994 йил 21 мартдаги **"Иқлимга таъсир этишни чегаралаш тўғрисида"**ги, 1995 йил 13 октябрдаги **"Саҳроланишга қарши кураш"**, 1995 йил 15 июндаги **"Африка-Осиё қитъаларида кўчиб юрувчи қушларни муҳофаза қилиш"**, 1995 йил 6 майдаги **"Биологик хилма-хиллик тўғрисида"**ги ва 1996 йил 7 майдаги **"Хавфли чиқиндиларни ташиш ва уларни йўқотиш тўғрисида"**ги Базель Конвенцияларидир.

Ўйлаймизки, мамлакатимизда экологик маданиятни таъминлаш ва юксалтиришга қаратилган бу каби ҳуқуқий асослар келажак авлодларимиз учун она заминимизни ўз борлигича сақлаб қолишга ёрдам беради. Қолаверса, ушбу муҳим ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига имплементация қилиш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш қонун ижодкорларидан катта масъулият талаб этади.

**Ойбек БОЗОРОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими,**
**Даврон ҚАЛАНДАРОВ, ТДЮИ магистри**

# ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

## Ёмон одамлардан сақланиш ҳақида




**Азизим, ҳар бир ишни бажаришда тажриба соҳиби бўлишга ҳаракат қил, яхши, доно одамларнинг суҳбати билан ақлингни бойит, жоҳил, баджаҳл кишилардан узоқлаш, ўз кўнглингни нодонларнинг бемаъни, беҳуда сафсаталари билан азоблама-қийнама. Дўст билан душманни фарқла. Бинобарин, айтадиларки:**

**Байт**

*Дўст учун ҳамиша*
*жонни қил фидо,*
*Дўст билан душманни*
*фарқлагин, аё.*
*Дўстинг Аллоҳ бўлса*
*ё фидойи ёр,*
*Уларнинг нуридан*
*дилинг шуълавор.*
*Нохуш кунларингда*
*дўст бўлса пайваст,*
*Таскини дил ўтин*
*қила олса паст,*
*Унинг ҳоки пойи,*
*дилписанди бўл,*
*Куйма узангисин,*
*асири — банди бўл.*

## Ҳасаднинг зарари ҳақида

**Азизим, бахиллик ва ҳасад қалбингга кириб боришига асло йўл қўйма. Чунки ҳасад бахтнинг эговидир, у давлатни ҳам, иззат-ҳурмат, шуҳрат чаманини ҳам нобуд қилади. Бинобарин, айтадиларки:**

**Байт**

*Ҳасад қайда ва қачон ёқса гар олов,*
*Аввал ҳасадчи ўзи ёнади лов-лов.*

(Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асаридан олинди)

**Ж.ЭСОНОВ тайёрлади**

// Таҳлил

## Ҳуқуқий тарғибот самараси



**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Бу ишларга вилоятдаги давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ўтган 2008 йил давомида нотариуслар томонидан жойларда 530 бор тушунтириш маърузалари, шунингдек, 431 бор давра суҳбатлари ўтказилган. Айниқса, ўтган йилнинг сўнгги чорагида ҳуқуқий тарғибот ўтказиш бўйича вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Буни 9 ой давомида нотариуслар томонидан 45 маротаба газеталарда, 25 маротаба телевидениеда қилинган чиқишлар сонининг йил якунига келиб, газетада 96 та, телевидение орқали 57 тага кўпайганлигида ҳам кўриш мумкин. Тарғибот ишларида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириш билан бирга, инсон ҳуқуқлари, вояга етмаганлар ҳуқуқлари, одам савдосига қарши курашиш, мустақиллик, Конституция моҳияти каби мавзулар ҳам қамраб олинмоқда.

Бу чиқишларни амалга оширишда вилоят адлия бошқармаси муассислигида ўтган йилнинг ноябрь ойида чоп этила бошлаган "Ҳаёт ва ҳуқуқ" газетасининг ўрни беқиёс, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Фарғона вилоятида фаолият юритаётган 4 та телевидение билан ҳамкорликда "Ҳуқуқингизни биласизми?" рукни остида телекўрсатув ташкил этилди. Телекўрсатув адлия бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режасига асосан эфирга узатилмоқда. Ҳар бир кўрсатувда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишмоқда.

**Абдуҳаким ЗУЛФИҚОРОВ, Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими**

# Давлат назорати




***— Давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш қандай шаклларда амалга оширилади?***

**Комил МАҲМУДОВ, Навоий вилояти**

— **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг **4-моддасига** мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

- статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

- идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек, идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**Саволга Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Отабек АЗИМОВ жавоб берди**

// Ажабо

# Кўзбўямачилик

## ёхуд айрим кимсаларнинг қонунга зид ҳаракатлари

**2007 ЙИЛНИНГ 20 НОЯБРИДА Оқ олтин туманидаги "Сардоба" ҚФЙда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилиб, шу пайтгача ҚФЙ раиси лавозимида ишлаб келаётган Муҳиддин Маҳкамов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан лавозимидан озод этилди. Йиғилишда туман ҳокимлиги тавсиясига биноан Абдусаттор Норматов номзоди муҳокама этилди ва у вакиллар йиғилиши томонидан ҚФЙ раислигига "сайланди". Лекин туман прокуратураси томонидан сайлов қонунчилиги ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишлар чоғида 43 нафар вакилнинг 31 нафари бу сайловда иштирок этмаганлиги аён бўлди. Демак, йиғилишда қонунда таъкидланган кворум ҳосил қилинмаган, яъни вакилларнинг жиллақурса учдан икки қисми қатнашмаган ва йиғилиш ноқонуний ўтказилиб, ноқонуний қарор қабул қилинган! 2007 йил 20 ноябрдаги йиғилиш баённомаси ва ҚФЙ томонидан А.Норматовни раис этиб тасдиқлаш тўғрисидаги 13-сонли йиғилиш қарори фикримизнинг яққол далилидир.**

Орадан кўп ўтмай, 2007 йилнинг 27 ноябрида туман ҳокими К.Сулаймоновнинг А.Норматовни ҚФЙ раиси этиб тасдиқлаш тўғрисидаги 736-сонли қарори "дунё юзини кўрди". Бироқ **"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги Қонуннинг **6-моддасида** маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашмайдилар, дея эътироф этилган. Қолаверса, мазкур қонуннинг **7-моддаси, 2-қисмида** ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги қатъий таъкидланган.

Оқолтин тумани прокурори томонидан фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судига киритилган даъво аризада "Сардоба" ҚФЙга раҳбар сайлашда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги, ҳокимнинг 736-сонли қарори эса қонунга хилоф эканлиги баён этилган.

Туманнинг ўша кездаги прокурори Ботир Абдураҳмоновнинг мазкур масалага доир даъвоси фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро суди томонидан кўриб чиқилди ва даъвода келтирилган важлар тўлиқ тасдиқланди. Лекин суд муҳокамасига қадар жавобгар — "Сардоба" ҚФЙ вакиллари судга ариза билан мурожаат қилиб, иш юритишни тугатишни сўраганликлари сабабли суд иш юритишдан тугатилди ва ҚФЙ вакилларига қайта йиғилиш ўтказишлари лозимлиги тушунтирилди.

Лекин афсуски, вакиллар йиғилиши қайта ўтказилмади.

2008 йилнинг 30 сентябридаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги Қарорига асосан барча жойда бўлганидек, Оқолтин туманида ҳам ноябрь-декабрь ойларида сайловлар бўлиб ўтди. Бироқ, "Сардоба" ҚФЙдаги сайловлар бу гал ҳам турли «саргузашт»ларга бой бўлди. 2008 йилнинг 17 декабрида яна шу ҳудуддаги сайловларда **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги ва **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонун талаблари бузилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фуқаролар йиғини раислигига номзод кўрсатилган шахсларнинг ҳужжатлари туман ҳокими билан келишиш учун сайловларга кўмаклашувчи туман комиссиясига сайловдан камида 10 кун олдин топширилиши, сайловга қадар номзоди кўрсатилган шахслар тўғрисида тегишли комиссияга маълум қилиниши лозимлиги инобатга олиниб, ҚФЙ ишчи гуруҳи томонидан уч номзод кўрсатилди. Бироқ улар раисликка қўйилган талабларга жавоб бермаганлиги боис, комиссия томонидан номзод сифатида рўйхатга олиш рад этилди. Бу уч номзоднинг бири А.Норматов эди!

Шундай бўлсада, 2008 йилнинг 17 декабридаги сайловда ҚФЙ ишчи гуруҳи томонидан унинг номзоди раисликка қўйилди ва А.Норматов "Сардоба" ҚФЙ раиси этиб "сайланди"!!! Шундай қилиб, юқорида номлари қайд этилган қонунлар талаблари бузилди.

Овозларнинг нотўғри ва қўшиб ҳисобланганлиги, номзодларни таклиф этиш тўғрисида турли саналар билан 2 хил баённома тузилганлиги, вакиллар йиғилишида номзодларни қўйиш тартиби бузилиб, нотўғри баённома тузилганлиги, ҚФЙ раислигига кўрсатилган номзодларнинг ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилмаганлиги ҳақидаги факт, далил ва қонунбузилишлар фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг 2008 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарорида ҳам ўз тасдиғини топган. Дарҳақиқат, мазкур судга "Сардоба" ҚФЙ вакиллари юқоридаги важлар асосида даъво ариза билан мурожаат қилишганидан сўнг суд 2008 йил 17 декабрдаги ишчи гуруҳининг йиғилиш баёни ва 1,2,3-сонли, хусусан, А.Норматовни раис этиб тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни ҳақиқий эмас, деб топди. А.Норматов ва йиғилиш раиси Ш.Сафарниёзовлардан давлат фойдасига солидар тартибда **140200 сўм** давлат божи ундириш тўғрисидаги қарорни имзолади. Шу билан бирга сайловни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси зиммасига "Сардоба" ҚФЙ раислигига қайта сайлов ўтказиш мажбуриятини юклади. Суд қароридан норози бўлган А.Норматов, Ш.Сафарниёзов Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят келтириб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этишни сўрашди. Лекин фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясида 2009 йилнинг 14 январида масалани тўлиқ ўрганиб, гувоҳларнинг фикрини тинглаб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Бу воқеликлар жараёнидаги яна бир ажабланарли ҳолат эътиборимизни тортди. Фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг ҳал қилув қароридан сўнг, яъни 2008 йилнинг 25 декабрида Оқолтин тумани прокурори А.Очилов номига туман кўмаклашувчи комиссияси номзоди Б.Эшонқулов ва "Сардоба" ҚФЙнинг бир гуруҳ вакиллари, сайлов ишчи гуруҳи томонидан сайлов ҳужжатлари сохталаштирилгани ва овозлар нотўғри ҳисобга олингани, умуман, бу ҳаракатларда жиноят аломатлари мавжудлиги тўғрисида ариза йўллашди. Унда ўтказилган сайловдаги барча қонунбузарликлар рўй-рост, аниқ баён қилинган...

Яна бир гап, фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг 2008 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарорига назар солган киши унинг дарҳол ижрога қаратилганлигининг гувоҳи бўлади. Конституциямизнинг 2-моддасида **"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар",** деб белгиланган. Оқолтин туманидаги мутасадди шахсларнинг хатти-ҳаракатлари мазкур моддага хилоф эмасми?

**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-115. Тиражи — 21730. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-70-65, Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru